

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2014 йил  
9 август  
ШАНБА  
№ 64 (12700)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! ЎЗ УНИМИЗДАН ТАЙЁРЛАНГАН НОН

Юқори Чирчиқ туманидаги "Фалла Алтег" очик акциядорлик жамиятига қарашли "Иссиқ нон" корхонаси сифатли маҳсулотлари билан истеъмолчилар эътиборини қозонмоқда.

Асосан қолипли нон чиқаришга ихтисослашган корхона истеъмолчилар талаб ва истакларини инобатга олиб, 30 турдан ортиқ нон маҳсулотлари ҳам тайёрламоқда. Ҳозир икки сменада 16 ишчи меҳнат қилмоқда.



– Корхонамизда "Wachtel" немис фирмасининг замонавий технологияси асосида бир кунда 5 минг дона нон тайёрланмоқда, – дейди корхона раҳбари Азизжон Толибов. – Асосий харидорларимиз "Истиклол" маҳалласи аҳолиси. Шунингдек, шартнома асосида 25 якка тадбиркор, 9 та болалар боғчаси ва 6 та ташкилотга ҳам маҳсулот етказиб бераймиз.  
**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**  
СУРАТЛАРДА: смена устаси Ҳасанжон Мусаев, ишчи Диалром Жўрабоева; аҳоли кулайликдан мамнун.  
**Даврон АҲМАД** олган суратлар.

2014 йил – Соғлом бола йили

### ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Бўстонлик туманидаги "Ҳожикент" пансионатида "Аҳолига курсатилётган профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш ва репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш масалалари"га бағишланган республика семинари ташкил этилди.  
Семинарни вилоят ҳокими А. Усмонов очиб берди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баравар, гўдаклар ўлими 3,2 баравар камайди. "Она ва бола скрининги" дастури амалга оширилгани натижасида туғма нуқсонли болалар 2000 йилдан буён 1,8 баравар камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. Бунда сўнгги 10 йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан

(Давоми 2-бетда).

### Майкл Томас: «ЎЗБЕКИСТОН – ЖАҲОН МАЙДОНИДА ЎЗИНИНГ МУНОСИБ ЎРНИГА ЭГА»

Ўзбекистон Республикасининг мустақил тараққиёт йиллари даврида эришган муваффақиятлари юзасидан хорижий мамлакатлар эксперт доираларининг вакиллари билдираётган фикр-мулоҳазалар ва баҳолар ҳам мамлакатимиз танлаган давлатчилик қуриш, иқтисодий ва демократик тараққиёт йўлининг нақадар тўғри эканлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган кўтлуг байрам билан кутлар экан, "Pathfinder Trade & Invest" компаниясининг ижрочи директори Майкл Томас "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбирига ўзининг куйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди:  
– Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқини ва

(Давоми 2-бетда).

Тақдимот



### «ЯНГИ ОҲАНГДА КУЙЛАЁТГАН ВИЛОЯТ»

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Сехрли калпоқча", "Ширин қовунлар мамлакатиди", "Сариқ девин миниб", "Жаннати одамлар" каби қатор крсса ва романлар муаллифи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг учта янги китоби тақдими бўлиб ўтди. Булар "Қиз болага тош отманг" романи, "Куйлар салтанати" ва "Янги оҳангда куйлаётган вилоят" очерклари ва ҳикоялар тўпламидир.

(Давоми 4-бетда).

Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Тадбир

Маънавият инсонни руҳан покликка, қалб-улғайишга чорлайди. Имонни бутун, эътиқодни мустаҳкам, иродани кучли қилади. Шу билан бирга маънавият виждонни ўйғотадиган беқиёс кучдир. Ҳарбийлар ҳузурда уюштирилган учрашув "Инсон маънавиятини шакллантирадиган асосий мезонлар" мавзусида ўтди.

### МАЪНАВИЯТ – БЕҚИЁС КУЧ



Тадбирда вилоят Маънавият-тарғибот маркази вакиллари, вилоят Педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ўқитувчилари, ҳарбий хизматчилари иштирок этди.  
– Маънавият кенг қамровли тушунча, – деди вилоят Маънавият-тарғибот маркази раҳбари Махмуд Назаров. – Миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналарини ҳаётий қадриятлардан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаганидек, инсон маънавиятини маънавий тарбияси шакллантириб бўлмайди. Президентимиз таъкидлаганларидек: "Маънавий тарбия масаласида ҳуш-ёрлик ва сезгирлик, қатъият ва масъулият йўқотилса, бу муҳим иш ўзибўларчилиқка ташлаб қўйилса, муқаддас қадриятларга йўғрилган ва улардан озикланган минглаб йиллик миллий-этниқ асосларга эга миллият маънавияти ва тарихий хотирасидан айрилиб, охири-оқибатда умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолиши мумкин".  
Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар, Ватанимиз мустақиллигининг барқарорлигини таъминлашда маънавиятнинг ўрни беқиёс эканини кайд этдилар.  
**Ирода МАҚСУД** кизи.  
**Қобилжон ҒОҒУРОВ** олган сурат.

### ВАКИЛАМИЗ ИККИНЧИ ЎРИНДА

Пискент агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини аъло баҳоларга тамомлаган Гулнора Мирзаева намунали хулқи ва жамоат ишларида фаоллиги билан тенгдошлари орасида ўз ўрнига эга.

Гулнора "Ораста қизлар" клубининг фаол аъзоларидан ҳисобланади. Яқинда ўтказилган "Ораста қизлар" кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида муваффақиятли қатнашди. Республика босқичида эса иккинчи ўринга лойиқ топилди. Эндиликда у ўқини олий ўқув юртида давом эттириш ниятида.  
**Юлдуз ҲАЗЛИЕВА.**

Танлов

### «ИСТИҚБОЛ» МАҲАЛЛАСИ ЯКУНИЙ БОСҚИЧДА

Вилоят Маънавият ва маърифат марказида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда қатор ҳамкор ташкилот ва идоралар ташкил этган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловдан кўзланган мақсад маҳаллаларда миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб этиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, маҳаллаларни комплекс ривожлантиришга оид ишларни ўрганиш, рағбатлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштиришдир.  
– Бу йилги танлов энг улғу, энг азиз байраминиз арафасида ташкил этилгани билан аҳамиятлидир, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви раиси ўринбосари Абдурашид Расулов. – Унинг саралаш босқичларида 1158 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштирок этди. Шаҳар ва туман болиблар республика босқичига йўланмани кўлга киритиш учун беллашди.

Танловнинг биринчи шартига мувофиқ, ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг ҳужжатлари ҳамда фаолиятига оид кўрсаткичларни кўриб чиқди. Иккинчи шартга кўра фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчиси, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тўзиммаси ҳамда масъул котибининг иш фаолиятига оид тақдимот ўтказилди. Сўнгги шартда фуқаролар йиғинлари фаолиятида учраб турадиган муаммоларга қай даражада ечим топа олишлари ва соҳага доир қонунчиликни қай даражада билишлари аниқланди.

Якуний натижаларга кўра, барча шартларни

тўла бажарган Паркентнинг "Истиқбол" маҳалла фуқаролар йиғини иштирокчилари голиб деб топилди, диплом ва замонавий компьютер техникаси жамланмаси ҳамда республика босқичига йўланмага эга бўлишди. Иккинчи ва учинчи ўринлар – Пискент туманидаги Ойбек ҳамда Қибрайнинг Беруний маҳалла фуқаролар йиғинларига насиб этди.



**Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.  
**Еркебой БОТИРОВ** олган суратлар.

Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.  
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Яна тўловлар ҳақида

### ҚАРЗДОРНИНГ БИР ҚИЛИФИ ОРТИҚ

Ҳозир деярли кунда-кунора матбуот ва телевидениеда табиий газдан оқилона фойдаланиш мақолалари чоп этилиб, кўрсатувлар намойиш қилинмоқда. Шунга қарамай, айрим фуқароларимиз ҳамон қонун-қоидаларни бузишяпти.

"Олмалиқшаҳаргаз" филиали қарздорлиқни қамайтириш, муддати ўтган қарзлар вужудга келишининг олдини олиш, газдан қонуний фойдаланиш, умумий тўлаштирувчи тармоқларга ўзбошимчилик билан уланиш ҳолатларини аниқлаш ва чора кўришга ҳаракат қилмоқда. Қонунни бузган хонадон тармоқдан узиб қўйилиб, қарздорлик ва зарар мажбурий тартибда суд орқали ундириб олинапти.

(Давоми 2-бетда).

Саломат бўлинг

### БИЗ ТАРАФДА ШУНДАЙ БУЛОҚ БОР

"Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ", деган мақол бот-бот тилга олинади. Қолаверса, бу қадим ҳикमत мазмун-моҳиятини ҳар ким ҳар хил шарҳлайди. Кимдир тўғридан-тўғри оқиб турган сувни кўрса, кимдир қуриб қолган ариқни тасаввур қилади. Бошқаси эса уни кўчма маънода тушунади. "Эҳ аттанг, отам бориди"

Бизнинг жисму жонимизда яна бир ҳаётбахш сув борки, у саломатлигимиздир. Улуғларимиз дунёда ҳеч бир неъматини, инсон саломатлигидан ортиқ қўймаган. Аслида ҳам шундай. Дунёнинг барча гўзалликлари, ноз-неъматлари

қадрига етмабман, онамнинг шунча меҳрибонликларига нечун муносиб жавоб қайтаролмадим..." Яна кимдир меҳрибон жигари, қадрдон дўсти, доно устози, ажойиб ҳамкасби ҳақида ўйлайди. Улардан ёдгор қолган барча эзгу ишларни олдида оқиб ўтиб кетган сувга менгзайди. Энди эса ўша "сув" йўқ!

инсон учун яратилган. Фақат бу ноз-неъматларни еб ҳазм қилмоқ, кўриб қувонмоқ учун инсон соғсаломат бўлмоғи лозим. Чунки жони қақшаб турган одамга бу дунё қоронғу. Барча гўзал нарсалар, ҳеч кимга ишонмай юрган бойликлари кўзига

Халқимиз тилида у Кўтир булоқ ҳам дейилади.

Биз бу булоқнинг "каромати"ни қай даражада биламиз-у, сувнинг таркибидagi шифобахш моддалар ҳақида қандай тасаввурга эгамиз? Гоҳида дардимизга шифо истаб републикамизнинг қайсидир вилоятларидаги табиқат ҳузурига ёки миллионлаб пул сарфлаб, узоқдаги сихатгоҳларга борамиз. Аммо Иссиқ булоққа чиқиб, 5-6 марта ванна қабул қилиб, сувидан ичганмисиз?

(Давоми 4-бетда).

Пахта – 2014

# УСТОЗ ВА ШОГИРД АНЪАНАСИ



Устоз ва шогирд анъанаси ҳар соҳада, жумладан, аграр тармоқда ҳам давом этмоқда. Оққўрғонлик "Кулли Кўтон" фермер хўжалиги раҳбари 75 ёшли Райим Раҳимов ерлари 72,6 гектар бўлиб, 47,8 гектарда пахта, 24,8 гектарда эса галла етиштирилади. Келгусида кўп тармоқли хўжаликка айланиб, балиқчиликни ривожлантириш ҳаракатида.

Райим Раҳимов бир неча йилдирки, "Дилшод" фермер хўжалиги раҳбари Нусрат Мирзаевага деҳқончилик сир-асрорлари, юқори ҳосилдорликка эришиш йўллари ўргатиб келади. Н. Мирзаев бу йил 65 гектар майдонга пахта, 35 гектарга галла экиб, ўртача 75 центнердан ҳосил олиб, давлатга 110,7 тонна ўрнига 112,7 тонна дон топширди. Ҳозирда пахта майдонлари иккинчи сўдан чиқарилди. Ҳар тупда 7-8 тадан кўсак бор.

Устознинг ҳар бир маслаҳатига амал қилаётган шогирд кам бўлмапти. Даромади ҳам ошиб бормоқда. Кейинги йилларда хўжалик "Класс Ахус" ер ҳайдов трактори ва 2 та "Беларусь МТЗ-80" трактори харид қилди.

Сайд ҲАСАНОВ. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

## Майкл Томас: «Ўзбекистон — жаҳон майдонида ўзининг муносиб ўрнига эга»

Ўзбекистон раҳбариятини мамлакат мустақиллигининг 23 йиллиги билан муборакбод этаман.

Мамлакатнинг замонавий тараққиётининг муҳим ютуқларидан бири унинг жаҳон майдонида муносиб ўрнига эга бўлгани ҳисобланадики, бу, энг аввало, давлат раҳбарининг саъй-ҳаракатлари натижасида рўй берди.

"Pathfinder Trade & Invest" компаниясининг ижрочи директори сифатида Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгаши таркибининг аъзосиман. Мазкур кенгашнинг вазифаси Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантиришдан иборатдир.

Биз жадал ривожланиб бораётган мамлакатлар сифатида жой олган Ўзбекистон билан бизнесни ривожлантиришдан манфаатдормиз. Муваффақиятнинг даврида мамлакатда замонавий автомобиллар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди, транспорт инфратузилмаси такомиллашди ва

умуман олганда, барча соҳаларда хайратланарли муваффақиятларга эришилди. Шу билан бирга, мамлакатнинг бизнес юритиш учун шарт-шароитлар барпо этиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари яратиш масалаларини ҳал қилиш йўли билан барқарорлик ва хавфсизликка эришилди.

Ўтган йили республикангиз қишлоқ жойларида уй-жой қурилиш жараёни билан танишиш имконига эга бўлдим. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон ва Британия ўртасида кўпгина жабҳаларда, хусусан, юқори технологиялар, транспорт, таълим, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари мавжуд, деб ўйлайман.

Икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ва Ўзбекистон Республикасининг сайёҳлик салоҳиятини оммалаштиришга ўз ҳиссамни қўшишдан мамнун бўлман.

"Жаҳон" АА, Лондон.

Фойдаланиш шартлари

Вилоят ҳокимлигида "Янги тахрирдаги божхона кодекси — божхона ишини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асоси" мавзусида кенгайтирилган семинар бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги ва божхона бошқармаси ҳамкорлигидаги тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор идоралар вакиллари, ташқи иқтисодий фаолият, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

## БОЖХОНА ИШИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Тадбирда янги тахрирдаги Божхона кодекси лойиҳаси қоидалари, киритилган сўнгги янгилик ва қўшимчалар тўғрисида батафсил ахборот берилди. Моҳиятан ушбу лойиҳа амалдагисидан тубдан фарқ қилади. У товарни олиб кириш ва



нормаларни янада аниқ ва тўлиқроқ ифодалаш орқали ташқи савдодаги тўсиқларни камайтиришга қаратилган, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунчилик ҳужжати бўлиши шубҳасиз.

Айни пайтда Божхона кодексининг янги лойиҳаси интернет тармоғи орқали Давлат божхона қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг расмий сайтлари орқали кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган.

Мурод ҲАМИДОВ. Қобилжон ҒОҒУРОВ олган суратлар.

## ҲОСИЛ УЧУН МУҲИМ ПАЛЛА

Деҳқонлар йилдан йилнинг фарқи бор, дейишади. Бу бежиз эмас. Табиат инжиқликлари деҳқондан ҳар йили мавжуд вазиятга қараб иш қўришни талаб этади.

Бу йилги кўктам анча салқин келиб, экин ривожини сустлаштирди. Бироқ тажрибали деҳқонлар барча агротехника тадбирларини меъёрида ва вақтида бажаргани учун юқори ҳосил тўллашга эришмоқда. Эндиги вазифа кўсак ва янги ҳосил тугунларини тўла сақлаб қолишдан иборат. Чунки саратон ва сунбула орасидаги асад ойдада гўза шонаси гулга, гуллар кўсакларга, кўсаклар эса тўлишиб, лўппи пахтага айланади.

Дарвоқе, ҳар йили август — ҳосилга ҳосил қўшиш ойи, деб эълон қилинади. Пахтакорларини

миз бор ҳосилни сақлаш ва уни янада кўпайтиришга зўр беради. Ҳозирда сугорилган, қатор ораларида ишлов беришга алоҳида эътибор қаратилади. Хуллас, август — деҳқонлар учун ҳал қилувчи палла.

Буни яхши билган вилоятимиз миришкорлари ҳам гўза парваришида нимаки юмуш бўлса, барчасини ўз вақтида ва сифатли бажаришга астойдил ҳаракат қилишаётир. — Вилоятимиз бўйича парваришланаётган 91 минг 500 гектар майдонда гўзанинг ривожига кўнгилдагидек, — дейди вилоят ҳокимлигининг

қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича қотибяти мудири Акмал Мирзаев. — Аммо ҳаво кескин исиб кетса, гўза ҳосил тугунчаларини тўкиб юбориши мумкин. Бунинг олдини олиш, бор ҳосилни сақлаб қолиш учун фермер ва барча мутасаддилар ишга масъулият билан ёндашиб, вазиятни тўғри баҳолашни талаб этилади. Фермерлар билан учрашуларда шулар ҳақида сўз юритилмоқда, зарур тавсиялар берилмоқда.

Вилоятда гўза парвариши билан боғлиқ ишлар давом этмоқда. Дефолиацияда қатнашадиган техникларни тайёр ҳолатга келтириш чоралари қўриляётир.

Бекзод ҲИДОЯТОВ, ЎЗА муҳбири.

2014 йил — Соғлом бола йили

# ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

зиёд маблағ йўналтирилгани ҳам муҳим аҳамият касб этди.

2013 йилда тиббиёт-санитария соҳасида биринчи ёрдам кўрсатиш оилавий тиббиёт тамойили шаклига ўтказилди. Бундай ўзгариш қишлоқ жойларда, айниқса, чекка туманларда яшаётган 14 миллиондан зиёд аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берди.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш доирасида она ва бола соғлигини муҳофаза этишнинг юқори самарали, бутун дунёда эътироф этилган миллий модели шакллантирилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани натижасида аҳоли, авваломбор, қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий

хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Юртимизда аҳоли саломатлиги мухташамлаштирилиб, одамларнинг ўртача умр кўриши 66 ёшдан 73,5 ёшга узайгани халқимизнинг турмуш даражаси ошиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга, қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти, айниқса, касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олишни тақомиллаштиришни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, республика Саломатлик ва тиббий статистика институтининг вилоят бўлими бош мутахассислари, вилоят шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари бошлиқлари, ҚВП ва кўп тармоқли марказий поликлиника мудири иштирок этган семинарда 2014 йилнинг биринчи ярмида тизим-

да амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ва иккинчи ярим йилда бажарилган ишлар рўйхати тасдиқланган ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мухташамлаштиришдан вилоятда қилинган ишлар самараси, муаммо ва уларнинг ечими ҳақида маърузалар тингилди.

Семинарда ҚВПлар фаолиятини мақбуллаштириш, аҳолига бирламчи тиббиёт-санитария ёрдамини ташкиллаштириш, айниқса, профилактик йўналишдаги тадбирларни амалга ошириш, бу жараёнда ўрта тиббиёт ходимлари, хусусан, патронаж ҳамшираларининг фаолиятини кучайтиришга оид устувор вазифалар белгилаб олинди.

Семинарда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов иштирок этди.

Фарида КОМИЛОВА, Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали мутахассиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).



Даврон АҲМАД олган сурат.

## МАДАНИЙ МЕРОСНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

Темурийлар тарихи давлат музейида "Маданий меросни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни" мавзусида давра сўхбати ташкил этилди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Маданият ва спорт ишлари, Адлия вазирликлари, Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ўтказилган учрашувда маданий мерос объектларини сақлаш, аҳоли ўртасида уларга ҳурматни янада юксалтириш, ке-

лажақ авлодга бекаму кўст етказилишида нодавлат нотижорат таш-

килотлари фаоллигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Вилоятимизда маданий мерос объектлари ва муқаддас зиёратгоҳлар талайгина. Улар халқимизнинг тарихи ва урф-одатлари, диний бағрикенглиги, орзу-

умидлари, илмий тафаккури, маънавий салоҳиятини ўзида муҳассам этади. Вилоятимиздаги зиёратгоҳларнинг аксарияти Зангиота, Охангарон, Пискент, Урта Чирчиқ, Бекобод туманларида бўлиб, бу ҳудудларда истиқомат қилган алломалар ўз даврида илм-фан ва маданиятнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшишган. Аждодларимиз номлари билан аталувчи муқаддас зиёратгоҳлар халқимизнинг турмуш тарзи, маданияти, миллий ва диний қадриятлари ҳамда архитектура ва меъморчиликдаги бетакорлиги билан келгуси авлодларга улкан мерос сифатида хизмат қилади.

Хуршида МЎМИНОВА.



Яна тўловлар ҳақида

## ҚАРЗДОРНИНГ БИР ҚИЛИГИ ОРТИҚ

Яқинда ўтказилган мониторинг натижасида "Қурпасой" маҳалласида яшовчи Мамакат Топилова салкам 10 йилдан бери ишлаб чиқариш ҳақини сурункали тўламай келгани аниқланди. Сабоби, назоратчилару газ идораси ходимларини уйига яқинлаштирмай, турли ваз-қарсонларни баҳона қилади. У бир эмас, нақ 10 га яқин ускуна ва жиҳозлардан ноқонуний фойдаланган. Жумладан, битта АГВ, битта тандир, иккита ўчоқ ва бошқаларни ҳеч қандай лойиҳа-техник ҳужжатларисиз ўрнаб олган. Бузқувурига улаб олган. Гандан ташқари, G-4 русумли газ ҳисобдонни юқориданга газ жиҳозлари қувватига тўғри келмайди. Натижада, фуқарога нисбатан далолатнома тузилиб, хонадон тармоқдан узилди. Келтирилган зарар ҳисоб-китоб қилиниб, филиал фойдаланишга тўлаб берилиши

шарт бўлган табиий газ ҳақи 4 миллион 241 минг сўмни ташкил этди.

Фуқароларимиз туну кун хонадонларидан зангори оловдан беиннат фойдаланишлари учун тинмай ҳаракат қилинапти. Лекин баъзи одамлар борки, табиий газ ҳақини тўлаш у ёқда турсин, ҳатто уйларига назоратчиларни киритмай, уларни ҳақоратлаб, тан жароҳати етказишни одат қилишган. А. Қажор маҳалласи Ибн Сино кўчаси 85-уй 12-хонадонда яшовчи Рафъал Юсуфнинг табиий газдан 799 минг сўм қарзи учун худуд назоратчиси ёзма огоҳлантириш берди. Шунга қарамай, қарзини тўлашни пайсалга солиб юраверди. Натижада, хонадон газ тармоғидан узилди. Бироқ, у ўзбошимчилик билан тамгани узилди, тармоққа қайта улашиб олди. Худуд устаси ва назоратчи пайвандлаш йўли билан хонадонни газ тармоғидан қайта узилди.

Фуқаро эса хурмат қилигини яна давом эттирди. Ноилоҳ филиалнинг махсус гуруҳини хонадонга юборишга тўри келди. Гуруҳ ходимлари газ тармоғидан узмоқчи бўлишганида, хонадон эгаси назоратчининг уят сўзлар билан ҳақоратлаб, уриб, уйига киритмади. Шу боис юқорида яшовчи қўшинисининг хонадонни орқали тармоқдан узилди қўйишга мажбур бўлинди. Қарзини ундириш учун фуқаролик судига ҳужжат жўнатилди.

"Муштақиллик" маҳалласи Бекобод кўчаси 28-уйда яшовчи А. Пардаевнинг газдан 415 минг сўм қарзи борлиги учун назоратчи хонадонни тармоқдан узди. Аммо, у ҳам ўзбошимчилик йўлига ўтди. Пайвандловчи яна тармоқдан узилди қўйишди. Фуқарога бу ҳам қор қилмади, у пинагини бузмай, яна улашиб олди. Филиал ходимлари қайта келишиб, тармоқдан яна узилмоқчи бўлишганида А. Пар-

даев, унинг турмуш ўртоғи, ўғли ва келини ичкаридан чиқиб, филиал ходимларини ҳақоратлаб, уриб, турли даражада тан жароҳати етказишди. "Қурқолдин мушт кўтарди", деганларидек хонадон соҳиблари ўз айбларини яшириш мақсадида шаҳар шифохонасига бориб, уларни ҳақ ходимлари уришганини айтишди. Ҳозир ушбу ҳолат узасидан суриштирув ишлари ўтказилмоқда.

Коммунал, жумладан, табиий газ тўловларини ўз вақтида тўлаш ҳар бир истеъмолчининг фуқаролик бурчидир. Бизнинг бу огоҳлантиришимиз юқоридан номлари кайд этилган ва улар қабилида иш тутувчи бошқа фуқароларимизга сабоқ бўлади, деб умид қиламиз.

Бахтиёр ЖУРАЕВ, "Олмаликшаҳарга" филиали бошлиғи, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ ЭКСПОРТГА Юртимизда етиштирилган сархил мева ва сабзавотлардан тайёрланган консервалар нафақат мамлакатимиз, балки узоқ-яқин хоржий давлатларда ҳам севиб истеъмол қилинади.

Шуни ҳисобга олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар маҳсулотларини кўпроқ хоржи бозорларига чиқаришга интилоқдалар. Бўстонлик туманидаги "Wood gold foot" хоржий корхонаси ҳам шу йўналишда фаолият юритаётган

жамоалар сирасидан. Британиялик ҳамкорлар сармоясини киритилган корхонанинг ташкил этилишига ҳали кўп бўлгани йўқ. Эйтиборлиси, 100 кишилик жамоа тайёрлаётган маҳсулотларнинг катта қисми хоржиға экспорт қилинмоқда. Шухрат МУРОДОВ.

## ЭПЛИ ҚИЗ — СЕПЛИ ҚИЗ

Бекобод шаҳрида "Малика-ўқув-зиё" маркази иш бошлади. Бу ерда бўлгуси бекаларни муштақил ҳаёт ва оила қуришга тайёрлаб, уларга одобу ахлоқдан сабоқ бериляпти.

Тадбиркор Зулфия Каримова раҳбарлигида тикувчилик, пазандалик, қандолатчилик, сартарошлик, компьютер саводхонлиги, бухгалтерия иши курслари ташкил этилгани аниқ мудоа бўлди. Ҳунар ўрганаётган қизлар юриш-туриш одобидан тортиб, кийиниш маданияти, дастурхон тузаш, меҳмон қутиш, бола

тарбиялашни ўрганишмоқда. Шуниси эътиборлики, марказида "Оила" мактаби ҳам фаолият юритмоқда. Машгулотларга шифокорлар, турли соҳа мутахассислари, ҳаётий тажрибага эга онахонлар тақлиф этиляётгани мактаб нуфузини янада оширмоқда. Каримкул МАВЛОНОВ.

## АҲОЛИГА МАЗАЛИ МУЗҚАЙМОҚЛАР

Зангиота туманидаги Эркин қишлоғида жойлашган "Сингапур-Самарканд" кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган ўнлаб турдаги музқаймоқлар бугунги кунда нафақат юртимиз ички бозорини тўлдирмоқда, балки хоржиға ҳам экспорт қилинмоқда.

Замонавий технологиялар ёрдамида тайёрланаётган сифатли музқаймоқлар аҳоли талабига тўла жавоб беришмоқда. Асосийси корхона маҳсулотларига бўлган

бурортмалар тобора қўлайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради. Умида ИСАЕВА.

## КОРЕЯЛИКЛАР ТАШРИФИ

Ўқувчи ҳамда ўқитувчилардан иборат Жанубий корейлик меҳмонлар Зангиота туманидаги 32-мактабда бўлишди. Уларнинг "Ассалому алайкум", дея мактаб остонасига қадам қўйгани барчанинг юрагидеги илтиқий ўйготди.

Учрашув давомида корейлик ўқувчилар миллий рақсларини ижро этишди, шарлардан кўғирчоқлар ясаб, расмлар чизишди. Ичкиликбозликка қарши кураш ҳақидаги саҳна кўриниши эса йиғилганларда яхши таассурот қолдирди. Айниқса,

корейликларнинг "Ўзбекистон" қўшигини ўзбек тилида қуйлашгани тадбир иштирокчиларига ҳаяжонли дақиқаларни ҳада этди. Тадбир сўнгига корейлик ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди. Нозима АРСЛОНОВА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тоза ҳаво ойлиги

ЭКОЛОГИЯ МУСАФФОЛИГИ УЧУН

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 октябрдаги "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит давлат мониторингинг дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида мамлакатимизда 10 августдан 10 сентябрга қадар "Тоза ҳаво" тадбирининг иккинчи босқичи ўтказилди.



Мамлакатимизда ҳар йили икки босқичда ўтказилаётган "Тоза ҳаво" тадбири бу борадаги муаммоларни бартараф этиш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини ўрғаниш ва табиий мувозанатни яхшилашга хизмат қилаётир.

Ҳаво тадбирининг биринчи босқичида вилоятимиз ҳудудида 10 та ҳаракатдаги ва 8 та қўзғалмас постлар ташкил этилиб, ишчи гуруҳлар томонидан автотранспорт воситаларини экологик ва санитария ҳолати текширилиб, 8 та транспорт воситасида атмосферага чиқаётган зарарли ис газли микдори меъридан ортиқча эканлиги аниқланиб, уларнинг эгаларига нисбатан маъмурий чоралар кўриaldi. Шунингдек, жойларда юк ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи уюшмаларда ҳам бу борада йиғилишлар ўтказилиб, уларнинг ҳайдовчиларига тадбирнинг мақсади ва вазифалари ҳудудда тушунтиришлар берилди. Шунингдек, тадбирнинг аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, бу жараёнда жамоатчиликнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида ойлик доирасида ҳамкор ташкилотлар

мутахассислари босқичида вилоятимиз ҳудудида 10 та ҳаракатдаги ва 8 та қўзғалмас постлар ташкил этилиб, ишчи гуруҳлар томонидан автотранспорт воситаларини экологик ва санитария ҳолати текширилиб, 8 та транспорт воситасида атмосферага чиқаётган зарарли ис газли микдори меъридан ортиқча эканлиги аниқланиб, уларнинг эгаларига нисбатан маъмурий чоралар кўриaldi. Шунингдек, жойларда юк ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи уюшмаларда ҳам бу борада йиғилишлар ўтказилиб, уларнинг ҳайдовчиларига тадбирнинг мақсади ва вазифалари ҳудудда тушунтиришлар берилди. Шунингдек, тадбирнинг аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, бу жараёнда жамоатчиликнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида ойлик доирасида ҳамкор ташкилотлар

мутахассислари босқичида вилоятимиз ҳудудида 10 та ҳаракатдаги ва 8 та қўзғалмас постлар ташкил этилиб, ишчи гуруҳлар томонидан автотранспорт воситаларини экологик ва санитария ҳолати текширилиб, 8 та транспорт воситасида атмосферага чиқаётган зарарли ис газли микдори меъридан ортиқча эканлиги аниқланиб, уларнинг эгаларига нисбатан маъмурий чоралар кўриaldi. Шунингдек, жойларда юк ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи уюшмаларда ҳам бу борада йиғилишлар ўтказилиб, уларнинг ҳайдовчиларига тадбирнинг мақсади ва вазифалари ҳудудда тушунтиришлар берилди. Шунингдек, тадбирнинг аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, бу жараёнда жамоатчиликнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида ойлик доирасида ҳамкор ташкилотлар

мутахассислари босқичида вилоятимиз ҳудудида 10 та ҳаракатдаги ва 8 та қўзғалмас постлар ташкил этилиб, ишчи гуруҳлар томонидан автотранспорт воситаларини экологик ва санитария ҳолати текширилиб, 8 та транспорт воситасида атмосферага чиқаётган зарарли ис газли микдори меъридан ортиқча эканлиги аниқланиб, уларнинг эгаларига нисбатан маъмурий чоралар кўриaldi. Шунингдек, жойларда юк ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи уюшмаларда ҳам бу борада йиғилишлар ўтказилиб, уларнинг ҳайдовчиларига тадбирнинг мақсади ва вазифалари ҳудудда тушунтиришлар берилди. Шунингдек, тадбирнинг аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, бу жараёнда жамоатчиликнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида ойлик доирасида ҳамкор ташкилотлар

Жумлада, мазкур ойлик доирасида бир қатор автотранспорт корхоналари, автотранспорт воситаларига ёқилги қўйиш шохобчаларининг экологик ҳолати ўрғанилиб, қўллаб-қувватловчи воситаларни кўриқдан ўтказилди. Тадбир жараёнида аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чоралари кўриaldi. Аънавий тарзда ўтказилаётган ушбу тадбирлар самараси билан ҳар йили ҳавога чиқарилаётган зарарли газларни камайтиришга эришилмоқда.

Мисол учун, шу йилнинг 10 апрелидан 10 майга қадар ўтказилган "Тоза ҳаво" тадбирининг биринчи босқичида вилоятимиз ҳудудида 10 та ҳаракатдаги ва 8 та қўзғалмас постлар ташкил этилиб, ишчи гуруҳлар томонидан автотранспорт воситаларини экологик ва санитария ҳолати текширилиб, 8 та транспорт воситасида атмосферага чиқаётган зарарли ис газли микдори меъридан ортиқча эканлиги аниқланиб, уларнинг эгаларига нисбатан маъмурий чоралар кўриaldi. Шунингдек, жойларда юк ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи уюшмаларда ҳам бу борада йиғилишлар ўтказилиб, уларнинг ҳайдовчиларига тадбирнинг мақсади ва вазифалари ҳудудда тушунтиришлар берилди. Шунингдек, тадбирнинг аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, бу жараёнда жамоатчиликнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида ойлик доирасида ҳамкор ташкилотлар

мутахассислари босқичида вилоятимиз ҳудудида 10 та ҳаракатдаги ва 8 та қўзғалмас постлар ташкил этилиб, ишчи гуруҳлар томонидан автотранспорт воситаларини экологик ва санитария ҳолати текширилиб, 8 та транспорт воситасида атмосферага чиқаётган зарарли ис газли микдори меъридан ортиқча эканлиги аниқланиб, уларнинг эгаларига нисбатан маъмурий чоралар кўриaldi. Шунингдек, жойларда юк ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи уюшмаларда ҳам бу борада йиғилишлар ўтказилиб, уларнинг ҳайдовчиларига тадбирнинг мақсади ва вазифалари ҳудудда тушунтиришлар берилди. Шунингдек, тадбирнинг аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, бу жараёнда жамоатчиликнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида ойлик доирасида ҳамкор ташкилотлар

мутахассислари босқичида вилоятимиз ҳудудида 10 та ҳаракатдаги ва 8 та қўзғалмас постлар ташкил этилиб, ишчи гуруҳлар томонидан автотранспорт воситаларини экологик ва санитария ҳолати текширилиб, 8 та транспорт воситасида атмосферага чиқаётган зарарли ис газли микдори меъридан ортиқча эканлиги аниқланиб, уларнинг эгаларига нисбатан маъмурий чоралар кўриaldi. Шунингдек, жойларда юк ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи уюшмаларда ҳам бу борада йиғилишлар ўтказилиб, уларнинг ҳайдовчиларига тадбирнинг мақсади ва вазифалари ҳудудда тушунтиришлар берилди. Шунингдек, тадбирнинг аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, бу жараёнда жамоатчиликнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида ойлик доирасида ҳамкор ташкилотлар

"Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклигининг энг яхши тажрибаси" танлови тўғрисида ЭЪЛОН

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, ННТларнинг фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари билан солиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларида ва шу каби ижтимоий аҳамиятга эгалик бошқа масалаларни ечишга йўналтирилган давлат дастурлари ижросини таъмин-

лашдаги самарали ижтимоий ҳамкорлигини аниқлаш, ННТларнинг бу борадаги фаолиятини рағбатлантириш ва оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлиқда "Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклигининг энг яхши тажрибаси" танловини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

- 1. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига эркин шаклдаги хат;
2. Ташкилот Адлия идораларида рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусخаси;
3. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига аъзолиқни тасдиқловчи маълумотнома (агар ЎзННТМА аъзоси бўлса);
4. Ижтимоий шериклик асосида амалга оширилган ишлар (ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилган иш, давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишидаги ННТ

иштироки, турли комиссиялар, ишчи гуруҳлар, жамоатчилик нозоратидаги ННТ иштироки, давлат суҳбати, акция ва бошқа тадбирларнинг ОАВда ёритилиши, шунингдек, мазкур тадбирлар натижасида эришилган ютуқлар) ҳақида батафсил маълумот (5-10 бет);
Тақдирлаш шакли: биринчи ўринга – компьютер комплекти; иккинчи ўринга – ноутбук; учинчи ўринга – фотоаппарат. Шунингдек, турли йўналишлар бўйича рағбатлантирувчи дипломлар, сертификатлар ва қимматбаҳо мукофотлар топширилади.

Танловга ҳужжатлар 2014 йилнинг 5 августидан 1 октябрга қадар қабул қилинади. Танловга ҳужжатлар конверт (А4 формат)да Ўзбекистон но-

давлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (Тошкент шаҳри, 100047, Амир Темур شوҳқўчаси, 14-уй) қабул қилинади. Ҳужжатларни қабул қилишда почта штемпелидаги жўнатиш санаси инобатга олинади. Ҳужжатлар тўғрисидаги аризалар Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Барча ҳужжатлар Times New Roman шрифтида, 14 келгдаси расмийлаштирилиши лозим. Танловда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.ngo.uz сайти ёки (+99871) 233-52-41 телефон рақами орқали олиш мумкин. Танлов ташкилий қўмитаси.

ЭЪЛОНЛАР

"REAL AUCTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичида босқичида охири бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

1. Тошкент вилояти Олмалик шаҳар СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган: 23.01.2014 йилдаги 1849-сонли ижро ҳужжати асосан: 1977 йилда и/ч., дав/рак: 10W8556, бошланғич баҳоси - 2 551 500 сўм бўлган "Ваз-2101" русумли техник соз; 19.05.2008 йилдаги 2777-сонли ижро ҳужжати асосан: 1984 йилда и/ч., дав/рак: 11V6328, бошланғич баҳоси - 363 837 сўм бўлган "Москвич 412" русумли техник соз; Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар 1-сонли ИИБда сақланаётган: 18.11.2013 йилдаги 17585-сонли ижро ҳужжати асосан: 1985 йилда и/ч., дав/рак: 11G0603, бошланғич баҳоси - 2 031 233 сўм бўлган "ХАЗ 469" русумли техник соз; Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, "Савдо" МЧЖ оғиборида сақланаётган: 17.06.2010 йилдаги 9297-сонли ижро ҳужжати асосан: 1987 йилда и/ч., дав/рак: 11T8467, бошланғич баҳоси 464 884 сўм бўлган "ГАЗ-24" русумли техник соз; 10.02.2013 йилдаги 433-сонли ижро ҳужжати асосан: 1985 йилда и/ч., дав/рак: 6981 ТША, бошланғич баҳоси - 563 960 сўм бўлган "Урал" русумли техник соз мотоцикл; 24.12.2013 йилдаги 19162-сонли ижро ҳужжати асосан: 1971 йилда и/ч., дав/рак: 105355АА, бошланғич баҳоси - 3 374 940 сўм бўлган "ХАЗ 452Д" русумли техник соз автотранспорт воситалари тақорон аукцион савдосига қўйилмоқда. II. Тошкент вилояти Олмалик шаҳар суд ижро-

чида бўлими томонидан 19.02.2014й 5823-сонли ижро ҳужжати асосан: Олмалик шаҳар, Улуғбек кўчаси "Даврон бек" МЧЖда сақланаётган 1. 1971 йилда и/ч., дав/рак: 10511UAA, бошланғич баҳоси - 16 016 064 сўм бўлган "МАЗ 504" юк (Сед тортувчи) русумли техник ҳолати ўрта; 2. 1976 йилда и/ч., дав/рак: 10 496 FAA, бошланғич баҳоси - 16 201 421 сўм бўлган "МАЗ 504В" юк (Сед тортувчи) русумли техник ҳолати ўрта; 3. 1990 йилда и/ч., дав/рак: 10-0 245 АА, бошланғич баҳоси - 11 901 421 сўм бўлган "ППС-14 МТП-8" тиркама (ўзи ағдарувчи) русумли техник ҳолати ўрта; 4. 1989 йилда и/ч., дав/рак: 10 0 714 АА, бошланғич баҳоси - 11 618 496 сўм бўлган "МАЗ3980" ярим тиркама (бортли) русумли техник ҳолати ўрта бўлган автотранспорт воситалари тақорон аукцион савдосига қўйилмоқда. Тошкент вилояти Зангиота тумани Суд ижрочилири бўлими томонидан: 1147/24-сонли ижро ҳужжати асосан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, ИИБ ИХХБ жарима майдончасида сақланаётган: 2011 йилда и/ч., дав/рак: 10 088 САА, бўлган "Ласетти" русумли техник соз автотранспорт воситаси тақорон савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 41 390 506 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 25 август кунли соат 11:00 да ўтказилади. III. Тошкент вилояти Бўка тумани суд ижрочилири бўлими томонидан, Бўка тумани ИИБ АМТФКМНБ жарима майдонча-

сида сақланаётган: 1. 25.07.2013 й. 7798/5-сонли ижро ҳужжати асосан: 1990 йилда и/ч., дав/рак: 11E1608, бошланғич баҳоси - 522 083 сўм бўлган "Москвич-412" русумли техник нозос автотранспорт воситаси; 2. 14.11.2011 й. 8515/16-сонли ижро ҳужжати асосан: и/ч йили номаълум, дав/рак: номаълум, бошланғич баҳоси - 2 111 945 сўм бўлган "ОПЕЛ" русумли техник нозос автотранспорт воситаси; 3. 18.06.2009й 4349/3-сонли ижро ҳужжати асосан: Бўка тумани, "Табассум"ТЛ МЧЖда сақланаётган 1988 йилда и/ч., дав/рак: йўк, бошланғич баҳоси - 1 628 828 сўм бўлган "Т-28х4МС1 русумли техник нозос трактор; 1988 йилда и/ч., дав/рак: йўк, бошланғич баҳоси - 411 790 сўм бўлган 2-ПТС4-793-русумли техник нозос трактор тркамаси тақорон аукцион савдосига қўйилмоқда; Тошкент вилояти, Қирғай тумани СИБ томонидан 2014 йил 05 майдаги 9362-63/9-сонли ижро варақасига асосан "O"ZBEIGM" Хусусий корхонасида жойлашган, "O"ZBEIGM" хусусий корхонасига тегишли кунга боқар мойи ишлаб чиқариш бўйича ЛМ1 Линияси ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган (бошланғич баҳоси - 110 000 000 сўм бўлган, "Кунга боқар мойи ишлаб чиқариш бўйича ЛМ1 ускунаси" ва бошланғич баҳоси - 115 000 000 сўм бўлган, "Сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускунаси") ускулари тақорон аукцион савдога қўйилмоқда. Аукцион сав-

доси 2014 йил 26 август кунли соат 11:00 да ўтказилади. IV. Тошкент вилояти Бекобод тумани суд ижрочилири бўлими томонидан: 1. 5587-сонли ижро ишига асосан:, Тошкент вилояти, Бекобод тумани ИИБ манзили бўйича сақланаётган: 2011 йилда и/ч., дав/рак: 01850ТАА, бошланғич баҳоси - 21 270 000 сўм бўлган "Нексия Сонс" русумли техник нозос автотранспорт воситаси; 2. 2014 йил 10 мартдаги 1376-сонли ижро ишига асосан:, Тошкент вилояти, Бекобод тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: 1997 йилда и/ч., дав/рак: 10Х288ГА, бошланғич баҳоси - 23 778 546 сўм бўлган "Нексия" русумли техник нозос автотранспорт воситалари аукцион савдосига қўйилмоқда. Тошкент вилояти Бўка тумани Суд ижрочилири бўлими томонидан: 2014 йил 23 ибдаги 3119/1-сонли ижро ҳужжати асосан: Тошкент вилояти, Бўка тумани, АМТФКМНБ биносида сақланаётган: 1973 йилда и/ч., дав/рак: 10М590СА, бўлган "ВАЗ-2101" русумли техник соз автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 4 169 365 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 10 сентябр кунли соат 11:00 да ўтказилади. V. Тошкент вилояти Ўрта Чирчик тумани суд ижрочилири бўлими томонидан: 25.06.2011 й. 1-267-сонли ижро варақасига асосан:, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қўқсарой ҚФЙ манзили бўйича сақланаётган: 1988 йилда и/ч., дав/рак: 10А516ДА, бошланғич баҳоси - 1 406 316,24 сўм бўлган

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖда 2014 йил 9 сентябр кунли соат 11:00 да бошланғич баҳоси босқичида босқичида бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Бекобод шаҳар СИБ томонидан Бўка тумани ҳўжалик судининг 2013 йил 3 январдаги 1-сонли ижро варақасига асосан хатланган Бекобод шаҳри, Бекобод савдо "М" оғиборида сақланаётган: 1981 й/ч., "ДаймлерБенц 0303", д/р 20 P 4444, Бошланғич баҳоси - 28 031 592 сўм. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 2013 йил 12 августдаги 7440-сонли ижро варақасига асосан хатланган "Бекободсавдо" МЧЖ оғиборида сақланаётган, 1978 й/ч., "ИЖ-2125", д/р 11 О 9497. Бошланғич баҳоси - 733 922 80 сўм. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 2012 йил 5 ноябрдаги 11308-сонли ижро варақасига асосан хатланган "Бекободсавдо" МЧЖ оғиборида сақланаётган, 1972 й/ч. "ГАЗ-24", д/р 11 Т 8238. Бошланғич баҳоси - 1 344 114 сўм. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 2012 йил 23 июлдаги 7892-сонли ижро варақасига асосан хатланган "Бекободсавдо" МЧЖ оғиборида сақланаётган, 1984 й/ч. "Москвич 2100", д/р 11 V 5894. Бошланғич баҳоси - 256 910 сўм. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 2011 йил 15 августдаги 10379-сонли ижро варақасига асосан хатланган "Зафар қурилиш инвест" МЧЖда сақланаётган, 1997 й/ч. "ДТ-75". Бошланғич баҳоси - 2 046 987 сўм. Мазкур автотранспорт воситалари сотилиши қолган тақдирда, тақорой аукцион савдоси 2014 йил 24 сентябр кунли юқорида кўрсатиб ўтилган соатларда ўтказилади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокчи бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидеги талабгорлардан аризалар иш кунли соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосида бир кун олдин соат 11:00 да тўхтайтилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидеги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, автотранспорт бошқисининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Auto Trade Cooperation" МЧЖнинг ХОАТБ "ИнфинБанк" Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 01041, ИИН 302477464, 20208000104996600001, МФО 01101, ИИН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Гувоҳнома № 006795.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичида босқичида бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Тошкент вилояти Юқори Чирчик тумани, Суркент ҚФЙ ҳудудида жойлашган: бошланғич баҳоси - 1 341 348 790 сўм бўлган гишт қуриштир чехи тақорон савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 25 август кунли соат 12:00 да ўтказилади. Тошкент вилояти Бўстонлик тумани СИБ томонидан: 2013 йил 22 ноябрдаги 1-6476-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Қўшқўрган қишлоғи ҳудудида жойлашган: умумий майдони 0,407 га, бошланғич баҳоси - 38 000 000 сўм бўлган бино савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 11 сентябр кунли соат 12:00 да ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтайтилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилири бўлимининг вакиллари иштирокчи бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Мировот филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИИН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

"KO'P TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичида босқичида бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, 06.03.2006 йилдаги №1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан, 1) Бошланғич баҳоси - 98 387 121 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қирғай тумани, Миңчирин номи дала ҳўжалиқлар ҳудудида жойлашган, 1 қаватли айвон, баседа, басейн, ёғзи ошоналардан иборат бўлган 67-сонли далаҳўйи қўйилмоқда; 2) Бошланғич баҳоси - 70 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Абросий кўчаси, 39-уйда жойлашган, умумий майдони 73,73 кв.м.дан иборат 4 та уйи хонадан иборат бўлган 10-хонадон тураржой қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2014 йилнинг 12 сентябр кунли соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Тақорой аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан, 03.02.2011 йилдаги ижро варақаси ва ажримга асосан: 1) Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 2-маъво, Қора йўл кўчасида жойлашган, умумий майдони 2688 кв.м. бўлган 5-қаватли маъмурий бинонинг 1-қавати, яъни "А" блок, 2-корпуси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 899 058 061 сўм; 2) Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 2-маъво, Қора йўл кўчасида жойлашган, умумий майдони 3379 кв.м. бўлган 5 қаватли маъмурий бинонинг 4-5-қаватлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 758 011 737 сўм; 3) Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани СИБ томонидан 24.05.2012 йилдаги №СБ584/12-сонли ҳамда 26.12.2013 йилдаги №10/312/19444-сонли ижро варақасидеги асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Жарқўрган кўчасида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 4679,0 кв.м., умумий майдони 2420,0 кв.м., фойдалани майдони 1347,83 кв.м.дан иборат бешта бино ва тўрта ишоотдан иборат қўчмас мулклар қўйилмоқда; бошланғич баҳоси - 1 074 813 000 сўм; 4) Тошкент шаҳар СИБ томонидан 24.03.2014 йилдаги №1-12/14-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган, "Кс Инв" МЧЖга тегишли бўлган Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, Примоков кўчасида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 41055,95 кв.м., қурилиш остидаги ер майдони 9773,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 10989,83 кв.м., асосий биналар сон 20

"VIP RAE ESTATE" МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

"VIP REAL ESTATE" МЧЖда 2014 йил 9 сентябр кунли соат 12:00 да объект бошланғич баҳоси босқичида босқичида бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Бекобод шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан 2014 йил 18 мартдаги 898-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 3-даха, 5-уй, 4-хонадонда жойлашган уй-жой. Бошланғич баҳоси - 16 649 863 сўм. Мазкур уй-жой сотилиши қолган тақдирда, тақорой аукцион савдоси 2014 йил 24 сентябр кунли юқорида кўрсатиб ўтилган соатларда ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилири бўлими вакили иштирокчи бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунли соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунли қолганда соат 17:00 да тўхтайтилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидеги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлма-

&lt;

